

## **“Ўзтрансгаз” АЖ акциядорларига!**

### **Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш**

“Ўзтрансгаз” АЖ акциядорлик жамияти, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 85а уйда жойлашган, телефон рақами: (71) 202-10-60, электрон почта манзиллари: [info@utg.uz](mailto:info@utg.uz), [korporativ@utg.uz](mailto:korporativ@utg.uz), “Ўзтрансгаз” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2024 йил 6 май соат 15:00 да, Тошкент ш., Шаҳрисабз кўчаси, 85а уйда жойлашган “Ўзтрансгаз” АЖ биносининг мажлислар залида бўлиб ўтиши ҳақида хабар қилади.

#### **Кун тартиби:**

*1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши иш тартибини тасдиқлаш.*

*2. “Ўзтрансгаз” АЖ кузатув кенгаши амалдаги таркиби ваколатларини муддатидан олдин тугатиш.*

*3. “Ўзтрансгаз” АЖ кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш.*

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабар бериш учун акциядорларнинг реестрини шакллантирадиган сана - 2024 йил 13 апрель.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи учун акциядорлар реестрини шакллантирадиган сана - 2024 йил 30 апрель.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қатнашчиларини рўйхатга олиш 2024 йил 6 май соат 14:30 дан 14:55 гача ўтказилади. Акциядорлардан улар билан шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва акциядорларнинг вакилларидан ишончнома талаб қилинади.

Акциядорлар навбатдан ташқари умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш жараёнида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида кўриб чиқиладиган маълумотлар (материаллар) билан “Ўзтрансгаз” АЖ (Шаҳрисабз кўчаси, 85а уй) биносида танишишлари мумкин.

**“Ўзтрансгаз” АЖ Кузатув кенгаши**